

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАТЧАНОВ ГОЙРАТ ШАВКАТОВИЧ**

**ТРИГЕМИНАЛ НЕЙРОПАТИЯНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШДА ЯНГИ**  
**УСУЛЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ БИЛАН БИРГАЛИКДА ДАВО**  
**ЧОРАЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2025**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)**

**Матчанов Гойрат Шавкатович**

Тригеминал нейропатияни эрта таъхислашда янги усулларни ишлаб чиқиш билан биргаликда даво чораларини оптималлаштириш ..... 3

**Матчанов Гойрат Шавкатович**

Разработка новых технологий ранней диагностики с оптимизацией терапии тригеминальной невропатии ..... 25

**Matchanov Goyrat Shavkatovich**

Development of new technologies for early diagnosis with optimization of treatment for trigeminal neuropathy..... 47

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 54

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**  
**ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ**  
**DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**МАТЧАНОВ ГОЙРАТ ШАВКАТОВИЧ**

**ТРИГЕМИНАЛ НЕЙРОПАТИЯНИ ЭРТА ТАШХИСЛАШДА ЯНГИ**  
**УСУЛЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ БИЛАН БИРГАЛИКДА ДАВО**  
**ЧОРАЛАРИНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ**  
**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Самарқанд - 2025**

**Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Tib2769 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Самарқанд давлат тиббиёт университетида бажарилган.

Диссертациянинг уч тилдаги (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) автореферати Илмий Кенгаш веб саҳифаси ([www.sammu.uz](http://www.sammu.uz)) ва «Ziyonet» ([www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)) ахборот-таълим порталида жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Ниёзов Шухрат Ташмирович</b> тиббиёт фанлари доктори, доцент
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Мавлянова Зилола Фархадовна</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор  <b>Нургужаев Еркин Смагулович</b> тиббиёт фанлари доктори, профессор
<b>Етакчи ташкилотлар:</b>	<b>Озарбайжон тиббиёт университети</b>

Диссертация ҳимояси Самарқанд Давлат тиббиёт университети ҳузуридаги илмий даражаларлар берувчи DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 рақамли Илмий Кенгашнинг 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75; e-mail: [sammu@sammu.uz](mailto:sammu@sammu.uz)

Диссертация билан Самарқанд Давлат тиббиёт университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№. \_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 140100, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳри, Анкабай кўчаси, 6-уй. Тел.: (+99866) 233-08-41; факс: (+99866) 233-71-75;

Диссертация автореферати 2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.  
(2025 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Н.Н.Абдуллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

**К.В.Шмырина**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

**З.Б.Курбаниязов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги куннинг долзарб масалаларидан бири бу тригеминал нейропатия. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) маълумотларига кўра, «асаб касалликлари таркибида ўтказувчанлик тизимининг энг кенг тарқалган шикастланишларидан бири уч шохли нерв невралгияси (УШНН) бўлиб, ҳар 100 минг аҳолига ўртача 40 бемор тўғри келади...»<sup>1</sup>.

Дунёда ушбу патологиянинг ўсиш омиллари шикастланишнинг юқори даражасини, инфекциялар сонининг кўпайишини (хусусан, ковид пандемиясининг оқибатларини) ҳисобга олган ҳолда аниқланади; неоплазмалар УШНН нинг кўпайишида муҳим рол ўйнайди.

Кўпгина илмий манбаларда УШНН синдромларининг тавсифлари мавжуд, уларнинг яққол белгиси оғриқдир. Классик УШНН ҳуружда "электр токи уриши" ёки "ханжарсимон" оғриқ билан таққосланадиган ўткир оғриқни аниқланади, унинг ўзига хос хусусияти диэнцефалик қисмга ва миянинг (ядроларнинг) сезгир соҳасига тарқалиш қобилиятидир. Замонавий босқичда касалликнинг келиб чиқишининг кенг тарқалган назарияси томирлар сифатида қайд этилган, бу ерда капиллярлар ва кўз қовоқлари бўлимларида мумкин бўлган анатомик нуқсон ёки капиллярлар атрофидаги лимфоцитларнинг сезиларли даражада кўпайиши, нейронлар сони кескин камайиши каби ўзгаришлар кузатилади.

Бугунги кунда УШНН таснифи оғриқнинг табиати, дисфункция даражаси, этиологияси ва зарарланиш даражасига кўра бўлинади. Ўрганилган адабиётларда метаболик дискорреляция фонида УШНН нинг ривожланиш омилига, хусусан, остеопорознинг мавжудлигига жуда кам эътибор берилади, бунинг асосида суяк тўқималарининг тузилиши ва асаб чиқадиган канал тешиги ўзгаради, натижада бош мия асоси ҳудудида уч шохли нервнинг босилиши юзага келади. Юқорида келтирилганлар остеопорознинг аниқ белгилари бўлган, 60 ёшдан ошган беморларда УШНН бўйича тадқиқот ўтказишнинг долзарблиги ва клиник талабини белгилайди.

Мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимида аҳолига кўрсатилаётган Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590- сонли «Ўзбекистон Республикасининг соғлиқни сақлаш соҳасида ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика

---

<sup>1</sup> World Health Organization. Neurology: fact sheet no. 199. World Health Organization website. 2017. [www.who.int/iris/handle/10589/1111189](http://www.who.int/iris/handle/10589/1111189).

фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

### **Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.**

Патогенезда нейроваскуляр номутоносбликнинг ўрни ҳақидаги мунозараларнинг кўпайиб бориши, классик уч шохли нерв невралгиясига қизиқишни янада оширди, тадқиқотчилар уч шохли нерв шохлари ўтадиган каналлар ва тешикларнинг ҳажмини ўрганиш учун текшириш ўтказишни бошлашган ва бош суягидан УШН шохлари чиқадиган тешиклар: юмалоқ ва овал тешиклар, инфраорбитал ва мандибуляр каналлар, супраорбитал, инфраорбитал ва аклий тешиклар ўлчами, ҳажми, диаметри ўрганилган [Berlis и соавт. 2016, J. Reymond и соавт. 2015, Щедренок В.В. и соавт. 2016; Erbagci H. et al., 2019; Daimi S.R. et al., 2017; Sepahdari A.R., Mong S., 2020; Kavitha Kamath B., Vasantha K., 2018; Liu P. et al., 2019; Mohebbi A. et al., 2017].

Ҳозирги вақтда жаҳонда олиб борилаётган тадқиқотлар В.В.Щедренок ўз ҳамкасблари билан бирга ўтказган тадқиқотларида УШНН ривожланишида УШН иккинчи шохи невралгиясининг юзага келишида инфраорбитал тешикнинг торациши сабаб бўлишини аниқлаган, бу эса УШНН ривожланишида нерв шохлари чиқадиган тешикларнинг торайиши патогенетик асоси сифатида қаралади. Лекин улар томонидан ўтказилган консерватив ва оператив даво муолажаларига қарамасдан, УШНН қайталаниши юз берган. Натижада мазкур белги УШНН ривожланишида ўз этиопатогенетик аҳамиятида иккиланишларга олиб келган.

2018 йил Исаханова Т.А. Россия (Краснодар, Волгоград, Ростов ш.) да ўтказилган тадқиқотда остеопороз туфайли думалоқ, овал ва кўз косаси ости тешикларида юзага келган туннель компоненти УШНН ривожланишида мавжуд хавф омилларидан бири бўлиши мумкинлигига тўхталиб ўтган.

Ўзбекистонда уч шохли нерв невралгиясининг этиопатогенези, касалликнинг клиник белгилари, текширув усуллари ва даволаш масалалари бўйича Н.М.Маджидов [2022 й], хирургик даво усуллари бўйича А.У. Мирзаев [2023 й] бир қатор текширувлар олиб борганлар.

Шу кунга қадар ўтказилган тадқиқотларнинг деярли барчасида, УШНН юзага келиши ва уни қайталаниши асосида нейроваскуляр номутоносблик ётиши аниқланган, лекин 60 ёшдан ошган беморларда УШНН ни юзага келишида остеопорознинг аҳамияти ва уни олдирили олишга қаратилган даво муолажаларининг ишлаб чиқаришга қаратилган тадқиқотлар ўтказилмаган.

Юқорида айтилганларнинг барчаси диссертация иши ва тадқиқот лойиҳасини ишлаб чиқиш, мақсад ва вазифаларни аниқлаш имконини беради.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат тиббиёт университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № 000971 «Марказий асаб тизимининг касалликлари» мавзуси доирасида бажарилган (2022-2024 йиллар).

**Тадқиқотнинг мақсади** ёши катта беморларда УШНН патогенетик хусусиятлари ва клинико-неврологик белгиларини ўрганиш, даволаш алгоритминини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

кекса ёшдаги беморларда УШНН га олиб келадиган остеопороз омилларини ўрганиш;

кекса ёшдаги беморларда остеопороз фонида УШНН клинико-неврологик белгиларини ўрганиш;

остеопороз фонида УШНН бўлган кекса ёшдаги беморларда клиник белгилар, лаборатор ва нейровизуализацион кўрсаткичлар ўртасидаги корреляцион боғлиқлик таҳлилинини ўтказиш;

комплекс даволашда биорегулятор терапия қўлланилишинини патогенетик асослаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 60 ёшдан катта бўлган, УШНН клиникаси бўлган беморлар танланди. Беморларга текширув СамДТУ 1 клиникаси неврология ва нейрохирургия бўлимида, Самарканд шаҳридаги хусусий клиникасида, амбулатор шароитда - шаҳар поликлиникаларида ўтказилади. Тадқиқот учун танланган беморлар сони 142 та. Шулардан 42 таси амалий соғлом бўлган шахслар бўлиб, назорат гуруҳ сифатида танланди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида физикал текширувлар, бош мия ва бош суяги МСКТ текшируви, ультратовуш остеоденситометрия ва қонда кальция миқдори динамикасидаги маълумотлари бўлган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Клиник-неврологик кўрик, оғриқни ВАШ бўйича оғриқни баҳолаш, бош мия МСКТ динамикада, ультратовуш остеоденситометрия (остеопороз даражасини аниқлаш), Қонда кальций миқдорини аниқлаш усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

кекса ёшли беморларда уч шоҳли нерв невралгиясига олиб келадиган омиллар (кальцийни хаддан зиёд утилизация бўлиши билан юзага келадиган остеопороз) комплекс текширув йўли орқали исботланган;

беморларда юз оғриғининг ўзига ҳос хусусияти, оғриқ интенсивлигининг энг юқори чўққиси кечқурун содир бўлиши, оғриқ кўзғатувчи зоналарнинг асосий қисми орбитада, юқори лабларда жойлашиши исботланган;

бош мия қутиси суякларидаги остеопороз ҳолати инструментал, лаборатор ва нейровизуал текширув натижасида аниқланиб, кекса ёшдаги беморларлардаги уч шоҳли нерв невралгияси сабабларидан бири эканлиги исботланган;

кекса ёшдаги беморларлардаги уч шоҳли нерв невралгиясининг даволашда ибондаронат натрий ва хондропротектор қўшиш билан такомиллаштирилганда оғриқ синдромини камайтириши ва тўхташи, балки 55% тўлиқ ремиссияга эришиш асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

беморларда уч шоҳли нерв невралгиясининг ўз вақтида олдини олиш мақсадида уч шоҳли нерв невралгияси ривожланишининг олдиндан билишга

қаратилган бир қатор чора-тадбирлар, лаборатор ва инструментал текширув стандарти ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилган;

уч шоҳли нерв невралгияси ривожланган беморларда остеопороз фонида клиник, неврологик ва нейрофизиологик ўзгаришларни қиёсий таҳлил қилиш орқали, остеопорознинг ёшга боғлиқ ҳолда ривожланиш даврида оғриқ синдроми бошланиши исботланган;

даволашни янада такомиллаштириш учун кекса ёшли беморларда остеопороз фонида уч шоҳли нерв невралгияси бўлган беморларда асаб тизими, калла суяги структурасидаги ўзгаришлар ва қонда кальций миқдори ўртасидаги боғлиқлик аниқланган;

уч шоҳли нерв невралгияси бўлган беморларда калла суягидаги уч шоҳли нерв шоҳлари чиқадиган тешиқлар диаметридаги ўзгаришларни ўрганиш, қонда кальций миқдорини аниқлаш, бош мия ярим шарларининг гемодинамикаси кўрсаткичларини ўрганиш, мазкур патологияга эрта ташхис қўйиш ва унинг клиник кечишининг ўзига хос хусусиятларини прогноз қилиш имконини беради. Кекса ёшдаги беморларда уч шоҳли нерв невралгиясини ривожланиши, унинг асоратлари хавфини камайтириш учун неврологик тактикани танлашга кўмаклашувчи тўғри даволаш-профилактика чоралари ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий-тадқиқот ишида фойдаланилган замонавий, бир бирини тўлдирувчи ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, қўлланилган усулларнинг халқаро ҳамда маҳаллий муаллифлар маълумотлари билан таққосланганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

беморларда уч шоҳли нерв невралгиясининг олдини ўз вақтида олиш мақсадида УШНН ривожланишини башорат қилишга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар, лаборатор ва инструментал текширув стандарти ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилган;

уч шоҳли нерв невралгияси бўлган кекса ёшли беморларда остеопороз туфайли юзага келадиган клиник, неврологик ва нейрофизиологик ўзгаришларни қиёсий таҳлил қилиш орқали, остеопороз туфайли бош мия нервлари чиқадиган тешиқларининг торайиши туфайди уч шоҳли нерв невралгияси бошланиши исботланган;

уч шоҳли нерв невралгиясини комплекс даволашга биорегуляцияловчи терапияни қўллаш орқали даволашни янада такомиллаштириш мумкинлиги аниқланди ва уч шоҳли нерв невралгиясини даволаш алгоритми ишлаб чиқилди;

уч шоҳли нерв невралгиясида бош мия ва калла суяги МСКТ текшируви, остеоденситометрия, ТКДГ кўрсаткичларини ўрганиш орқали, мазкур патологияга эрта ташхис қўйиш ва унинг клиник кечишининг ўзига хос хусусиятларини прогноз қилиш имконини беради.

**Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши.** Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий техник кенгашнинг илмий-тадқиқот ишлари натижаларини амалиётга татбиғи бўйича 2024 – йил 25 – сентябрдаги 06/03 – сон хулосасига кўра:

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Тригеминал нейропатияни эрта ташхислашда янги усулларни ишлаб чиқиш билан биргаликда даво чораларини оптималлаштириш бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида (Ўзбекистон Республикаси ССВ Илмий техник кенгашининг 25.09.2024 й. 06/03-сон хулосаси):

*Биринчи илмий янгилик:* кекса ёшли беморларда уч шоҳли нерв невралгиясига олиб келадиган омиллар (кальцийни хаддан зиёд утилизация бўлиши билан юзага келадиган остеопороз) комплекс текширув йўли орқали исботланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: кекса ёшли беморларда уч шоҳли нерв невралгиясига олиб келадиган омиллар комплекс текширув бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети Илмий кенгаши томонидан 2024 йил 31 январдаги 6-сонли баённомаси билан тасдиқланган «Тригеминал нейропатиянинг эрта ташхисотининг янги услублари ва даволашни такомиллаштириш усуллари» номли услубий тавсияномаси мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Учқудук ТТБ 24.03.2024 й. 212-сон буйруғи ва Қўшқўпир ТТБ 13.03.2024 й. 37-сон буйруқлари билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: беморларда уч шоҳли нерв невралгиясининг ўз вақтида олдини олиш мақсадида уч шоҳли нерв невралгияси ривожланишини олдиндан билишга қаратилган бир қатор чоратадбирлар, лаборатор ва инструментал текширув стандарти ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: еришилган натижалар асосида 1 нафар бемор учун 1 186 000 сўм, бюджетдан ташқари 560 000 сўм маблағни иқтисод қилиш имконини берган. Беморларнинг стационарда қолиш муддатининг қисқариши, дори-дармон сарфи камайиши ҳисобига 1 бемор ҳисобида 2 090 000 сум тежалишига олиб келган. Бу маблағнинг тежалиши стационарда даволаниш муддатини камайтирди, шу асосда тиббий хизматга сарфланадиган маблағни тежалиши билан асосланган. Хулоса: қарияларда остеопароз ривожланиш мезонини аниқлашда клиник-анамнестик, клиник-неврологик, клиник-инструментал ва лаборатор натижаларни комплекс тизимли баҳолаш, остепарозга олиб келувчи асосий факторларни ҳисобга олган ҳолда УШНН юзага келиши: 65 ёшдан ошган асосан аёлларда, кальцийни хаддан зиёд утилизация бўлиши натижасида юзага келишини аниқлаб берди. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Тригеминал нейропатияни эрта ташхислашда янги усулларни ишлаб чиқиш билан биргаликда даво чораларини оптималлаштириш» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига СамДТУ ректори томонидан 2024 йил 14-сентябрдаги 9363-сонли хат юборилган.

*Иккинчи илмий янгилик:* беморларда юз оғриғининг ўзига ҳос ҳусусияти, оғриқ интенсивлигининг энг юқори чўққиси кечқурун содир бўлиши, оғриқ кўзғатувчи зоналарнинг асосий қисми орбитада, юқори лабларда жойлашиши исботланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: беморларда юз оғриғининг ўзига ҳос ҳусусияти, оғриқ интенсивлиги бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети Илмий кенгаши томонидан 2024 йил 31 январдаги 6-сонли баённомаси билан тасдиқланган «Тригеминал нейропатиянинг эрта ташхисотининг янги услублари ва даволашни такомиллаштириш усуллари» номли услубий тавсияномаси мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Учқудук ТТБ 24.03.2024 й. 212-сон буйруғи ва Кўшкўпир ТТБ 13.03.2024 й. 37-сон буйруқлари билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: уч шоҳли нерв невралгияси ривожланган беморларда остеопороз фонидида клиник, неврологик ва нейрофизиологик ўзгаришларни қиёсий таҳлил қилиш орқали, остеопорознинг ёшга боғлиқ ҳолда ривожланиш даврида оғриқ синдроми бошланиши исботланган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: нейрофизиологик тадқиқотлар кўрсаткичларидан фойдаланиш беморларнинг стационарда қолиш муддатининг қисқариши, дори-дармон сарфи камайиши ҳисобига 1 бемор ҳисобида 2 190 000 сум тежалишига олиб келди. Бу маблағнинг тежалиши стационарда даволаниш муддатини камайтирди, шу асосда тиббий хизматга сарфланадиган маблағни тежалиши билан асосланган. Хулоса: асосий гуруҳдаги текширилган беморларда юз оғриғининг ўзига ҳос ҳусусияти полиморф ҳисобланиб: касалликнинг давомийлиги биринчи ҳуружнинг бошланишидан 1 ойдан 9 йилгача (ремиссия шаклида вақти-вақти билан танаффуслар билан); оғриқ синдроми тўсатдан, "ханжар оғриғи" ёки "электр токи уриши" га ўхшаш тарзда содир бўлиши; оғриқ интенсивлигининг энг юқори чўққиси кечқурун содир бўлиши, оғриқ кўзғатувчи зоналарнинг асосий қисми (33%, 34%) орбитада, юқори лабларда (28,2%, 27,6%) жойлашганлиги аниқланди. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Тригеминал нейропатияни эрта ташхислашда янги усулларни ишлаб чиқиш билан биргаликда даво чораларини оптималлаштириш» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига СамДТУ ректори томонидан 2024 йил 14-сентябрдаги 9363-сонли хат юборилган.

*Учинчи илмий янгилик:* бош мия қутиси суяқларидаги остеопороз ҳолати инструментал, лаборатор ва невровизуал текширув натижасида аниқланиб, кекса ёшдаги беморларлардаги уч шоҳли нерв невралгияси сабабларидан бири эканлиги исботланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: бош мия қутиси суяқларидаги остеопороз ҳолати инструментал, лаборатор ва невровизуал текширув натижаси бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети Илмий кенгаши томонидан 2024 йил 31 январдаги 6-сонли баённомаси билан тасдиқланган «Тригеминал нейропатиянинг эрта ташхисотининг янги услублари ва даволашни такомиллаштириш усуллари» номли услубий тавсияномаси мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг

амалиётга жорий қилиниши: Учқудук ТТБ 24.03.2024 й. 212-сон буйруғи ва Қўшқўпир ТТБ 13.03.2024 й. 37-сон буйруқлари билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: даволашни янада такомиллаштириш учун кекса ёшли беморларда остеопороз фонида уч шоҳли нерв невралгияси бўлган беморларда асаб тизими, калла суяги структурасидаги ўзгаришлар ва қонда кальций миқдори ўртасидаги боғлиқлик аниқланган. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: остеопароз мавжуд бўлган кекса беморларни инструментал ва лаборатория текшириш имкониятларидан одатда умумий ўртача 80 400 сўм сарфланади. Йиллик иқтисодий кўрсаткич 311 800 сўмни ташкил этади. Хулоса: остеопароз мавжуд бўлган кекса беморларни оптималлаштирилган текшириш: нейровизуализацион усул (МСКТ), транс-краниал-дорлер-ультратовуш (ТКДГ), денситометрик усул ва кальций даражасини лаборатория таҳлилидан фойдаланиш суяк зичлигининг пасайишини кузатиш, УШНН хавфини башорат қилиш ва тўғри даволаш тактикасини танлаш учун имкон беради. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Тригеминал нейропатияни эрта ташхислашда янги усулларни ишлаб чиқиш билан биргаликда даво чораларини оптималлаштириш» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига СамДТУ ректори томонидан 2024 йил 14-сентябрдаги 9363-сонли хат юборилган.

*Тўртинчи илмий янгилик:* кекса ёшдаги беморларлардаги уч шоҳли нерв невралгиясини даволашда ибондаронат натрий ва хондропротектор қўшиш билан такомиллаштирилганда оғриқ синдромини камайтириши ва тўхташи, балки 55% тўлиқ ремиссияга эришиш асосланган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: кекса ёшдаги беморларлардаги уч шоҳли нерв невралгиясини даволашда ибондаронат натрий ва хондропротектор қўшиш бўйича таклифлар Самарқанд давлат тиббиёт университети Илмий кенгаши томонидан 2024 йил 31 январдаги 6-сонли баённомаси билан тасдиқланган «Тригеминал нейропатиянинг эрта ташхисотининг янги услублари ва даволашни такомиллаштириш усуллари» номли услубий тавсияномаси мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: Учқудук ТТБ 24.03.2024 й. 212-сон буйруғи ва Қўшқўпир ТТБ 13.03.2024 й. 37-сон буйруқлари билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: уч шоҳли нерв невралгияси бўлган беморларда калла суягидаги уч шоҳли нерв шоҳлари чиқадиган тешиқлар диаметридаги ўзгаришларни ўрганиш, қонда кальций миқдорини аниқлаш, бош мия ярим шарларининг гемодинамикаси кўрсаткичларини ўрганиш, мазкур патологияга эрта ташхис қўйиш ва унинг клиник кечишининг ўзига хос хусусиятларини прогноз қилиш имконини беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: УШНН бўлган кекса беморларни комплекс даволашда анъанвий даво усули ҳамда хондропротектор ва ибондаронат натрийдан фойдаланиш билан беморларни стационар шароитда даволаш одатда умумий ўртача 3 593 350 сўм сарфланади. Беморларга юқоридаги тавсия қилинган комплекс даво натижасида йиллик иқтисодий кўрсаткич 2 159 800 сўмни (1 та

беморга) ташкил етади. Хулоса: УШНН бўлган кекса беморларни комплекс даволашда анъанвий даво усули ҳамда хондропротектор ва ибондронат натрийдан фойдаланиш нафақат оғриқ синдромини камайтириши ва тўхташи, балки 55% тўлиқ ремиссияга эришиши, патогенетик жиҳатдан асосланганлиги билан муҳимдир: кекса ёшдаги юқори мультиморбидли (ГК, СД, атеросклероз) бўлган кекса ёшдаги беморларда суяк остеопарози жараёнини тикланишини такомиллаштиради. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «Тригеминал нейропатияни эрта ташхислашда янги усулларни ишлаб чиқиш билан биргаликда даво чораларини оптималлаштириш» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига СамДТУ ректори томонидан 2024 йил 14-сентябрдаги 9363-сонли хат юборилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий конференцияларда, шу жумладан 3 та халқаро ва 1 та миллий конференцияларда муҳокама қилинди.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 15 та илмий иш, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган нашрларда 6 та журнал мақоласи, улардан 2 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган

**Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши.** Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хотима, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқот ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Уч шохли нерв невралгиясини инструментал текширувлар ва тадқиқодлар асосида замонавий қарашлар**» деб номланган биринчи бобида танланган мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари, хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили батафсил ёритилган. Уч шохли нерв невралгияси келиб чиқишининг этиопатогенетик омиллари, клиник белгилари, ташхислаш – инструментал ва лаборатор текшириш усуллари, даволашнинг замонавий усуллари ва уч шохли нерв невралгиясини олдини олиш чоралари ва олдиндан аниқлаш усуллари келтирилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқод материаллари ва текшириш усуллари**» деб номланган иккинчи бобида клиник материалларнинг тавсифи ва амалий тадқиқот усуллари қўлланиши акс этган. Самарқанд шаҳридаги хусусий

неврология клиникасига 2022-2024 йиллар давомида юзидаги оғриқлар шикоятлари билан мурожаат қилган 60 ёшдан катта бўлган, 100 та бемор тадқиқот учун танлаб олинди. Назорат гуруҳи сифатида шу ёшдаги 42 та соғлом танлаб олинди. Уларнинг ёши 60 дан ошган кекса ёшли беморлар ташкил қилди. Беморларнинг ўртача ёши  $63,6 \pm 2,9$  ёшни ташкил этди (60 ёш дан ошган беморлар). Касалликнинг давомийлиги 1 ой дан 9 йилгачани ташкил этди. Эркаклар 58%, аёллар 42% ни ташкил этди.


Уч шохли нерв невралгияси билан касалланган беморлар 2 гуруҳга бўлинган: 1-гуруҳ - таққослаш - УШНН касаллиги булган 50 та бемор танлаб олинди ва беморларга стандарт терапия ўтказилди 2-гуруҳ - асосий – УШНН касаллиги булган 50 та бемор танлаб олинди ва асосий терапия фонида хондропротектор препарати қўлланилди, назорат гуруҳини 42 та бемор ташкил қилди.

Уч шохли нерв невралгияси ташхиси Ҳалқаро бош оғриғи таснифи (3-нашр, 2013) бўйича қўйилди. Уч шохли нерв неврологияси бўлган беморларда оғриқ интенсивлиги ва унинг хусусиятларини баҳолаш учун ВАШ шкаласи, ЛИДС шкаласидан фойдаланилди.

Барча 100 та беморга уч шохли нерв невралгияси ташхиси қўйилган, бу синчковлик билан йиғилган касаллик анамнези, бош мия ва калла суягининг нейровизуализацияси (МСКТ), томирлар ТКДГ си, остеоденситометрия усуллари, микроэлементлар таҳлили (кальций), клиник кўриниши ва юзнинг маълум зонасидаги зарарланишга хос кинетикаси билан тасдиқланди.

Диссертациянинг «**Уч шохли нерв невралгиясида олиб борилган инструментал ва лаборатор текширув натижаларининг ўрни ва аҳамияти**» деб номланган учинчи бобда УШНН бор беморларнинг умумклиник, клиник-анамнестик, нейрофизиологик ва нейровизуалогик тавсифи берилган.

Уч шохли нерв невралгияси бўлган беморларда зарарланишнинг жойлашиш жойига кўра тақсимланиши текширилганда, УШНН зарарланиши кўпроқ ўнг томонда учрашлиги аниқланди.



**1- расм.** Уч шохли нерв невралгияси бўлган тадқиқот учун танланган гуруҳларда зарарланишнинг жойлашиш жойига кўра тақсимланиши

УШНН кекса беморларда давомийлиги текширилганда, асосий гуруҳда 12 та беморда, таққослаш гуруҳида 14 та беморда касалликнинг давомийлиги 1 ойгачани, асосий гуруҳда 31 та беморда, таққослаш гуруҳида 27 та беморда

касалликнинг давомийлиги 12 ойгачани, асосий гуруҳда 7 та беморда, таққослаш гуруҳида 9 та беморда касалликнинг давомийлиги 12 ойдан кўп бўлганлигини ташкил этди.

Тадқиқот мобайнида, УШНН билан бизга мурожаат қилган беморларда касалликда юзага келадиган оғриқнинг келиб чиқиш сабаби борасида сўров ўтказилганда, оғриқни юзага келтирувчи триггер зоналар аниқланди (1 жадвал)

### Жадвал № 1.

#### Уч шохли нерв невралгияси бўлган тадқиқот учун танланган гуруҳларда триггер зоналарнинг жойлашиш жойига кўра тақсимланиши

Триггер зоналар	Асосий гуруҳ	Таққослаш гуруҳи
	%	%
Кўз косаси соҳаси	33	34
Юқори лаб	28,2	27,6
Ёноқ соҳаси	17,4	16,8
Пастки лаб	6,8	7,1
Пастки жағ	4,9	5,2
Ияк соҳаси	3,8	4,1
Лаб бурчаги	3,2	2,6
Бурун қаноти	1,5	1,5
Кўз бурчаги	1,2	1,1

Юздаги оғриқнинг клиник табиати полиморфик эканлиги қайд этилди. Тадқиқотга киритилган вакиллар орасида оғриқнинг ўртача давомийлиги кунига бир неча соатдан 3 (4) ойгача бўлган. Беморлар оғриқ синдромига таъсир қилувчи омилни аниқ аниқлай олмадилар, 20% ҳолларда бу гипотермия билан изоҳланади (айниқса ҳаммомда сузиш ёки иссиқ хонада узоқ вақт ўтказиш, автомобил салонининг тиқилиши). 90% ҳолларда беморлар "ханжар оғриғи" ёки "ўткир нарса билан тешилиш", "электр токи уриши" каби тўсатдан пайдо бўлган оғриқни қайд етдилар. Оғриқ кун давомида бўлган, аммо кечқурун кучайган. Беморлар суҳбатда ўзларини чеклашлари керак эди (оғзини очганда, оғриқ кучайиб кетди). Улар малҳамларга, доривор оғриқ қолдирувчи воситаларга мурожаат қилишди ва баъзилар учун компресс ёрдам берди.


Юқорида келтирилган -расмда энг кўп учрайдиган триггер зоналари кўрсатилган. Улардан кўриниб турибдики, триггер зоналарнинг асосий қисми (33%, 34%) кўз косаси соҳасида, юқори лаб (28,2%, 27,6%), ёноқ соҳасида (17,4%, 16,8%) жойлашган, қолган пастки лаб, пастки жағ, ияк соҳаси, лаб бурчаги, бурун қаноти ва кўз бурчаги соҳаларда кам миқдорда триггер зоналар аниқланди.

Патогенез бўйича замонавий тадқиқотларга кўра, классик УШНН, кекса одамларда касалликнинг бошланиши атеросклероз туфайли қон томирларининг эластиклигининг пасайиши, қон томирлари деворларининг ёшга боғлиқ қалинлашиши ва уларнинг бурилиш даражасининг ошишига боғлиқ ҳолда юзага келади. Бундан ташқари ёшга боғлиқ ҳолда суякларга

юзага келадиган остеопоз жарәни ҳам нервлар чиқадиган тешиқлар модификациясини кучайтириб, унинг уч шохли нерв илдизини босиши оқибатида УШНН га олиб келиши мумкин, оқибатда оғриқ пароксизми пайдо бўлади .

Юқорида айтиб ўтилганидек, инсон организмида ёшга боғлиқ ҳолда ўзгариш юзага келиш даражасини аниқлаш ва уларни суяқлар ва томирлар дисфункциясини аниқлаш учун тадқиқот учун танланган УШНН билан оғриган одамларда мавжуд йўлдош касалликларни аниқланди.

Тадқиқот учун танланган гуруҳларда кенг тарқалган касалликлар ва уларнинг комбинациялари 2-расмда кўрсатилган.



**2-расм.** Уч шохли нерв невралгияси бўлган тадқиқот учун танланган гуруҳларда йўлдош касалликларнинг тақсимланиши

Текширув вақтида ВАШ шкаласи бўйича оғриқнинг интенсивлиги 7 дан 9 баллгача бўлган. 50% ҳолларда текширилган беморлар оғриқни фақат юзга "босганда" ҳис қилишган. 100% ҳолларда тригеминал нерв чиқиш нуқталарининг траектори оғриқ белгисини кўрсатди. 62% да бу ҳудуд юқори зигоматик минтақа, 10% ҳолларда бурун атрофида; қолган беморлар юзнинг бутун ярмида оғриқли жойларни тасвирлашди, яъни тегиниш ҳақиқати беморларни кўрқитди; оғриқли ҳудудни текшириш сўрови ҳиссий жиҳатдан, кўпинча рад етиш билан қабул қилинган. 100% ҳолларда сезувчанлик тести юқори сезувчанликни аниқлади. Шу муносабат билан, ЛИДС сўровномаси ёрдамида оғриқни баҳолашни ўрганиш керак эди, бу ерда ҳиссий бузилишлар бошланғич даражада намоён бўлади.


## Жадвал № 2

### Уч шохли нерв невралгияси бўлган тадқиқот учун танланган гуруҳларда ЛИДС сўровномаси ёрдамида оғриқни баҳолаш натижалари таҳлили

Саволлар	Асосий гуруҳ	Таққос лаш гуруҳи

Оғриқни ғайриоддий, терингизда қичишиш, чимчилашни эслатадиган нохуш ҳиссиёт сездингизми?	Йўқ, мендаги оғриқ бунга ўхшаш эмас		
	Ҳа, кўпчилик ҳолларда худди шундай сезги бўлади	4,48 ±0,71	4,64 ±0,07
Тери ранги (пигментланган, кўпроқ қизил ёки пушти) оғриқ жойлашган соҳада, бошқа соҳалардан фарқ қиладими?	Йўқ, мендаги оғрив тери рангини ўзгартирмайди		
	Ҳа, оғриқ соҳасидаги тери ранги ўзгарганлигини сездим	4,19 ±0,76	4,55 ±0,07
Оғриқ жойлашган соҳага тегинганда сезувчанлик ўзгарадими? Терига энгил тегиниш ноқулайлик туғдирадими ёки қаттиқ кийим кийиш оғриқ чақирадими?	Йўқ, мендаги оғриқ теридаги сезувчанликни ўзгартирмаган		
	Ҳа. Оғриқ соҳасидаги теридаги сезувчанлик ўзгача бўлиб қолган	2,46 ±0,65	2,76 ±0,43
Сиздаги оғриқ тўсатдан, қутилмаганда, ҳеч қандай сабабсиз, ҳатто дам олсангиз ҳам пайдо бўладими? Буни электр токи уриши, бел санчиғи каби тавсифлаш мумкинми?	Йўқ, мендаги оғриқ бунга ўхшаш эмас		
	Ҳа, кўпчилик ҳолларда худди шундай сезги бўлади	1,63 ±0,54	1,93 ±0,26
Сиз оғриқ ҳис қилганингизда, оғриқ худудида ғайриоддий ҳарорат ҳисси бўладими (оғриқ ачиштирувчи хусусиятига эгами)?	Йўқ, мендаги оғриқ бунга ўхшаш эмас		
	Ҳа, кўпчилик ҳолларда худди шундай сезги бўлади	0,97 ±0,17	1,00 ±0,00
Оғриқсиз ва оғриқли жойларда энгил тегинишга (пахта, жун). жавоб реакцияси текширилади. Агар соғлом соҳада оддий сезувчанлик рўйхатга олинса, фақат оғриқ зонасида оғриқ ёки ёқимсиз ҳис-туйғулар аниқланса, унда аллодиния рўйхатга олинади.	Йўқ, иккала соҳада ҳам бир хил сезги бор		
	Ҳа. Аллодиния фақат оғриқ соҳасида аниқланади	4,22 ±0,74	4,35 ±0,72
Оғриқсиз, кейин эса оғриқли зоналарга оғриқ бўсағасини игна билан тери юзасига юмшоқ суртиш ёки санчиш орқали жавобини солиштириш орқали аниқланади. Агар санчилиш оғриқсиз соҳада ўткир сезилса, оғриқли соҳада эса бошқача қабул қилинса, масалан, бошқача қабул қилинади, масалан йўқ ёки тўмтоқ (бўсаға кўтарилган) ёки жуда кўп оғриқ (бўсаға пасайиши) бўлса, унда оғриқ бўсағасида ўзгариш кузатилади	Йўқ, иккала соҳада ҳам бир хил сезги бор		
	Ҳа. Санчилганда оғриқ сезгисининг бўсағаси оғриқ соҳасида ўзгарган	2,50 ±0,77	2,70 ±0,59

Шундай қилиб, сўровномага кўра, оғриқ интенсивлигининг сенсорли регистри  $4,2 \pm 2,1$  чегарасини кўрсатди ва индикаторларга кўра оғриқ интенсивлигининг умумий регистри  $22 \pm 4,5$  ни ташкил этди.



**3-расм.** Уч шохли нерв невралгияси бўлган тадқиқот учун танланган гуруҳларда ВАШ ёрдамида оғриқни баҳолаш натижалари

Шундай қилиб, тригеминал невралгия билан оғриган беморларнинг ёши ўртача 60 ёшдан ошиб кетди, бундан ташқари, ВАШ бўйича оғриқ интенсивлиги 8 баллдан ошди, аммо оғриқлар оралиғи 5 дақиқадан ошмади; Оғриқнинг нурланиши тригеминал асабнинг чиқиш нуқталарида еди, шу билан бирга, ҳиссий лабиллик, юқори сезувчанлик ва ЛИДС оғриқ интенсивлиги регистрининг юқори даражаси оғриқ синдромининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Буларнинг барчаси симптоматик параклиник диагностика танловини ва кейинги даволаш тактикасини амалга оширишни белгилайди.

ТКДГ текшируви хуружлар оралиғи даврида (хуруждан камида 3 кун ўтгач) барча беморларда ўтказилди. Артерияларнинг анатомик хусусиятлари, уларнинг ўтказувчанлиги ва қон оқимининг миқдорий кўрсаткичлари баҳоланди.

УШНН бор бўлган иккала гуруҳдаги беморлардан олинган доплерографик кўрсаткичлар ўзаро ва назорат гуруҳ билан таққосланди. УШНН билан беморларни текширишда, прогностик жиҳатдан маълумот берувчи кўрсаткич цереброваскуляр реактивлик даражаси ва зарарланган томонда ИУАнинг интракраниал сегментларида қон оқими тезлигининг пасайиши аниқланмади. Бунга гуруҳлардаги таҳлил қилинган кўрсаткичларнинг сезиларли фарқи кузатилмади (Жадвал 3.).

**Жадвал 3.**

**ПТЭ да цереброваскуляр реактивлик ва қон оқими тезлиги кўрсаткичлари**

	ҚОЛТ	ПИ	R	ҚОЛТ	ПИ	R
<b>1 гуруҳ</b>	58,1±0,6	1,05±0,14	0,62±0,13	46,5±0,4	1,06±0,12	0,56±0,12
<b>2 гуруҳ</b>	52,5± 1,9	1,04±0,11	0,54±0,11	45,9±0,4	0,85±0,10	0,60±0,8
<b>Назорат гуруҳ</b>	56,0± 1,8	1,01±0,12	0,53±0,12	47,5±0,8	0,88±0,10	0,52±0,12

Тадқиқот натижасида шу нарса маълум бўлдики брахеоцефал артериялар ва уларнинг интракраниал тармоқлари окклюзион шикастланишлари учун энг муҳим ва олдиндан айтиб берувчи маълумотлар кўрсаткичлари қуйидагилар ҳисобланар экан: цереброваскуляр реактивлик даражаси, қон оқими тезлигининг пасайиши ва окклюзия томонидаги ИУА нинг асосий тармоқларида пулсация индексининг пасайиши.

Шунингдек, асосий кўрсаткичларга қуйидагилар ҳам кирди: вазомотор реактивлик индексининг даражаси, чизиқли қон оқими тезлигининг ассиметрияси, трансмиссия-пулсация индекслар ва пулс тўлқинининг тезланиш кўрсаткичи. Вазоконстриктор ва вазодилататор захиралари ҳолатини танлаб баҳолашга имкон берадиган функционал тестлар қўшимча аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Замонавий Допплер тизимлари мияда қон айланиш етишмовчилиги маркери билан икки томонлама Допплер кузатувини амалга оширишга имкон берди, бу ҳолда «дисхронлашув» қон оқимининг чизиқли тезлигида ҳам ва зараланган ярим шардаги текришилаётган кўрсаткичларнинг пасайиши бўлган шикастланган бош мия ярим шарлари томирларининг функционал синовларга реакциясида ҳам кузатилди. Цереброваскуляр реактивлик мияда қон айланишини бошқарув тизимининг миқдорий характеристикасидир ва перфузия захиралари ҳолатини акс эттиради.

Биринчи гуруҳ беморларда цереброваскуляр реактивлик каротид хавзада 37 нафар беморда, вертебро–базилляр хавзада 42 нафар беморда баҳоланди. Иккинчи гуруҳда каротид тизимидаги перфузия захираларининг ҳолати 38 нафар ва вертебро–базилляр хавзасида эса 37 нафар беморда ўрганилган. Текширилган беморларнинг барча гуруҳларида цереброваскуляр реактивлик кўрсаткичининг нормаллиги қайд этилди. Цереброваскуляр реактивлиги ошган беморлар аниқланмади.


Бизнинг тадқиқотимизда 1, 2 ва назорат гуруҳлар миянинг магистрал артерияларининг турли даражада ифодаланган стенозланиш жараёнининг учраши кузатилмади.

УШНН билан касалланган беморларни ҳар томонлама текшириш натижасида клиник ва нейровизуализацион хусусиятлари, мия ярим шарларининг функционал ҳолати, бош миянинг магистрал томирлари ҳолати ва уч шоҳли нерв невралгияси ривожланиши бор беморларда мия қон айланишининг бошқариш механизмлари патологик ўзгаришлар йўқлигини аниқланиши, биз тадқиқот ўтказаетган 60 ёшдан ошган беморларда УШНН ривожланишида нейроваскуляр номунодонислик патологик омил эмаслиги тўғрисида маълумот олиш имконини берди.

Уч шоҳли нерв невралгияси бўлган беморларда ўтказилган МРТ текшируви нейроваскуляр номунодонислик ва қон томир аномалияларини, мальформацияларни истисно қилиш, беморларнинг ёшга боғлиқ ҳолда мия тузилишидаги сурункали ўзгаришларни истисно қилиш, уч шоҳли нерв шоҳларининг чиқиш каналларининг диаметрини аниқлашга имкон яратди.

УШН биринчи шоҳи чиқадиган канал **F.supraorbitalis** нинг ўнғ томондаги диаметри асосий гуруҳда  $0,19 \pm 0,08$  см, таққослаш гуруҳида

0,19±0,07 см, назорат гуруҳда бу кўрсаткич 0,34±0,06 см ни ташкил қилди. Бу ердан кўриниб турибдики, назорат гуруҳдаги соғлом одамларга нисбатан асосий ва таққослаш гуруҳидаги УШНН билан касалланган беморларда думалоқ тешик диаметри 2 баробар кичиклашган.



**4- расм. Д. исмли бемор, 66 ёшда. Уч шоҳли нерв I шоҳи невралгияси билан. Юмалоқ тешик ўлчами ўнгдан 0,20 см, чапдан 0,18 см.**

**F.supraorbitalis** нинг чап томондаги диаметри асосий гуруҳда 0,18±0,07 см, таққослаш гуруҳида 0,21±0,08 см, назорат гуруҳда бу кўрсаткич 0,34±0,05 см ни ташкил қилди. Бу ердан кўриниб турибдики, назорат гуруҳдаги соғлом одамларга нисбатан асосий гуруҳдаги УШНН билан касалланган беморларда думалоқ тешик диаметри деярли 2 баробар кичиклашган, таққослаш гуруҳидаги УШНН билан касалланган беморларда эса думалоқ тешик диаметри назорат гуруҳдагиларга нисбатан 1,5 баробарга кичиклашган.


УШН иккинчи шоҳи чиқадиган канал **F.infraorbitalis** нинг ўнг томондаги диаметри асосий гуруҳда 0,28±0,09 см, таққослаш гуруҳида 0,30±0,08 см, назорат гуруҳда бу кўрсаткич 0,37±0,07 см ни ташкил қилди. Бу ердан кўриниб турибдики, назорат гуруҳдаги соғлом одамлар билан асосий ва таққослаш гуруҳидаги УШНН билан касалланган беморларда думалоқ тешик диаметри ўртасидаги ўртача фарқ 0,09 см ва 0,07 см ни ташкил қилади, яъни шунча см га кичиклашган.



**5 - расм. Р. исмли бемор. Уч шоҳли нерв II шоҳи невралгияси билан. Юмалоқ тешик ўлчами ўнгдан 0,29 см, чапдан 0,27 см.**

**F.infraorbitalis** нинг чап томондаги диаметри асосий гуруҳда  $0,28\pm 0,09$  см, таққослаш гуруҳида  $0,33\pm 0,09$  см, назорат гуруҳда бу кўрсаткич  $0,38\pm 0,07$  см ни ташкил қилди. Бу ердан кўриниб турибдики, назорат гуруҳдаги соғлом одамлар билан асосий ва таққослаш гуруҳидаги УШНН билан касалланган беморларда думалоқ тешик диаметри ўртасидаги ўртача фарқ  $0,09$  см ва  $0,05$  см ни ташкил қилади, яъни шунча см га кичиклашган.

УШН учинчи шоҳи чиқадиган канал **F.mentalis** нинг ўнг томондаги диаметри асосий гуруҳда  $0,28\pm 0,07$  см, таққослаш гуруҳида  $0,30\pm 0,06$  см, назорат гуруҳда бу кўрсаткич  $0,35\pm 0,05$  см ни ташкил қилди. Бу ердан кўриниб турибдики, назорат гуруҳдаги соғлом одамларга нисбатан асосий ва таққослаш гуруҳидаги УШНН билан касалланган беморларда думалоқ тешик диаметри ўртача  $0,07$  см ва  $0,05$  см га кичиклашган.



**6-расм. Бемор Б. УШНН оғриқ учинчи шоҳ соҳасида жойлашган. Думалоқ тешик ўнгда 0,25 мм, чапда 0,28 мм.**


**F.mentalis** нинг чап томондаги диаметри асосий гуруҳда  $0,30\pm 0,08$  см, таққослаш гуруҳида  $0,32\pm 0,07$  см, назорат гуруҳда бу кўрсаткич  $0,36\pm 0,05$  см ни ташкил қилди. Бу ердан кўриниб турибдики, назорат гуруҳдаги соғлом одамлар билан асосий ва таққослаш гуруҳидаги УШНН билан касалланган беморларда думалоқ тешик диаметри ўртасидаги ўртача фарқ  $0,06$  см ва  $0,04$  см ни ташкил қилади, яъни шунча см га кичиклашган.

Шундай қилиб, биз олиб борган тадқиқот мианинг МСКТда аниқланган белгилар мия структурасининг сурункали етишмовчилиги жараёнини, кекса ёшдаги уч шоҳли нерв неврологиясининг қон томир етишмовчилиги мавжудлигини инкор қилган ҳолда, кекса одамларда юзнинг суяк тузилишини ўрганиш, юз оғриғи билан оғриган беморларнинг ушбу тоифасида

остеопорознинг далиллари натижасида қизиқиш уйғотади. 3Д форматдаги МСКТ усул ёшга боғлиқ деформациялар ва ҳаддан ташқари кўп бўлган уч шохли нервнинг чиқиш нуқталарининг ўлчамлари даражасини аниқлашга имкон берди.

Шундай қилиб, думалок тешик диаметри ўлчовларини қиёсий таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, думалок тешик ўлчами УШН нинг биринчи шохи чиққан соҳада асосий ва таққослаш гуруҳида нозорат гуруҳидаги соғлом одамлардаги думалок тешик диаметри ўлчамидан 2 барабар кичиклиги аниқланди, колган иккинчи ва учинчи шохлар чиқадиغان тешиклар ўлчами соғлом одам УШН иккинчи ва учинчи шохлари чиқадиغان канал тешиги ўлчами билан унчалик фарқ қилмади. Яна шу нарсани айтиш мумкинки, соғлом тарафдаги канал тешиклар ўлчамидан касал томондаги тешиклар ўлчами нисбатан торроқ эканлиги аниқланди. Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, УШН шохларининг чиқиш тешикларининг диаметрининг ўзгаришига УШНН патогномик белгиси сифатида қараш мумкин.

Денситометрия ёрдамида турли органларнинг ўсиши ёки ривожланиши билан боғлиқ ўзгаришларни аниқлаш мумкин, бу айниқса терапияни тўғри танлаш учун муҳимдир. Биз тадқиқот учун танлаб олинган беморларда остепороз даражасини баҳолаш учун, денситометрия текширувидан фойдаландик. Эркаклар ва аёллар ўртасида остепороз даражаси қайси жинс вакиллари орасида кўп учрашини аниқлаш учун қиёсий таққослаш ўтказдик. Текширув натижаси қуйидаги 4-расмда кўрсатилган.



*7-расм. Уч шохли нерв невралгияси бўлган тадқиқот учун танланган гуруҳларда денситометрия ёрдамида остепороз даражасини аниқлаш натижалари таҳлили*

Юқорида келтирилган расмни кўриб, шуни хулоса қилиш мумкинки, остепороз эркакларга нисбатан аёлларда кўпроқ учраркан. Бу бевосита аёл организмида 60 ёшгача бўлган даврда кузатиладиган физиологик ҳолатлар ва ўзгаришлар билан боғлиқ.

Тадқиқот учун танланган гуруҳларда остепороз даражасини аниқлаш учун денситометрия ўтказилганда, қуйидаги натижалар олинди: Т-индекс


ўртача даражаси асосий гуруҳдаги беморларда  $3,07 \pm 0,2$  ни ташкил қилган бўлса, таққослаш гуруҳида бу кўрсаткич  $3,1 \pm 0,16$  ни, назорат гуруҳда эса  $1,81 \pm 0,27$  ни ташкил этди. Келтирилган текшириш натижалари шуни кўрсатдики, танқикот учун танланган гуруҳлардаги барча беморларда остеопороз даражаси юқори экан. УШНН ни даволашда мазкур мезонларни ҳисобга олиш ҳам мақсадга моликдир.



*8-расм. Уч шоҳли нерв невралгияси бўлган тадқиқот учун танланган гуруҳларда қонда қальций миқдорини аниқлаш натижалари таҳлили*


